

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ

Тошкент давлат шарқишунослик
университети

Манбаишунослик ва тасаввуф герменевтикаси
кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори
эл.почта: mirsodiq@mail.ru

АВЕСТАДА “АХУНВАВАЙТИЙ ГОХ” ТАРЖИМАСИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ПЕРЕВОДА АВЕСТЫ «АХУНВАВАЙТИЙ ГОХ»

ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF THE AVESTA "AKHUNVAVAITIY GOH"

Аннотация. Мақола зардуштийлик (Мазда Ясна) дини пайгамбари Заратуштрининг диний, фалсафий, ахлоқий ғояларидан иборат Гаталар номли қўшиқлар турқуми биринчи боби таҳлиliga бағишланган. Унда Гаталарнинг мазмунини ва моҳиятини тушунишда турли қарашлар танқидий таҳлил этилган. Бир қатор бандларнинг мазмунини янгича интерпретация қилинган. Амешаспенталар ва маъбудлар абсолют мустақил инстантлар ва Мазда иродасининг ижрочилари экани исботланган.

Таянч иборалар: зардуштийлик, Авеста, пайгамбар, Ахура Мазда, Гаталар, амешаспенталар, маъбуд, эманация, ипостас.

Аннотация. Настоящая статья посвящена анализу религиозных, философских, моральных идей первой главы из серии проповедческих песен Гат пророка Заратуштры, основателя зороастризма. В ней критически анализируются взгляды в понимании сущности названной главы Гат. Дается новое толкование некоторых глав раздела. Обоснована, что амешаспенты выступают как исполнители воли Высшей божественной сущности Ахуры Мазда в качестве его эманаций.

Ключевые слова: зороастризм, Авеста, пророк, Ахура-Мазда, Гаты, амешаспента, богиня, эманация, ипостась.

Annotation. This article is devoted to the analysis of religious, philosophical and moral ideas in the first chapter of the cycle of preaching songs of the Gath of the prophet Zarathustra, the founder of Zoroastrianism. In this article, it has been analyzed critically a different set of views in understanding the essence of this chapter of the Gath. A new interpretation of some stanzas of the section is given. Ameshaspenas are proved as emanations and executors of the will of the Supreme Divine Essence Ahura Mazda.

Keywords: Zoroastrianism, Avesta, the prophet, Ahura Mazda, Ghats, ameshaspenas, goddess, emanation, hypostasis.

КИРИШ

Авеста китобининг “Ясна” наски таркибидаги 17 боб Зардушт ижодига мансуб деб ҳисобланади. Улар илмий адабиётда Гаталар деб аталади [2.496]. Гаталарни ўзбек тилида “Гох”лар деб аташ мумкин. Чунки уларнинг тарғибий мақсади қўшиқ қилиб хиргойи усулида тингловчиларга сингдириш бўлган. Гаталар эзгуликка, борликнинг эзгу барқарорлигини сақлашга, Олий онг, мутлақ Оқил зот Маздага имон келтиришга даъват қилувчи қўшиқлардир [10. 90-92]. Улар Авеста китобининг “Ясна” наски 28-34, 43-51, 53-боблари сифатида етиб келган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Гаталарда инсоният тарихида илк илоҳий якка худолик, ваҳдоният ғояси акс этган. Зардуштнинг бу ғояси Авестада назарий жиҳатдан асосланган бўлса-да, амалда кўп худолик анъаналарини мутлақ бартараф эта олмаган. Натижада минтақамизда азалий асотирий тасаввурларга хос Митра, Ардвиги Сура, Аши, Варахран, Чиста, Тиштрия ва бошқа кўплаб маъбуд ва маъбудаларга сиғиниш зардуштийлик диний амалиётида давом этган. Якка худолик ғоясига зид бўлган ушбу ҳолатни мурасага келтириш учун мазкур маъбуд ва маъбудаларни ҳам Ахура Мазда ўзи яратган деб кўрсатилган. Уларга ҳам ибодат, назру ниёз, эҳсонлар бағишлаш мумкин деб ҳисобланган. Зеро, Ахура Мазда “барча нарсани кўриб тургучи, билиб тургучи зот”ки, бу ибодатларни у қабул қилади, деб тушунилган [5.363]. Қуйида

“Гох”ларнинг 1-боби “Ахунваваитий гох” нинг 1-қўшиғи (“Ясна” 28-боб) маъно ўғирмалари билан изоҳларини келтирамыз.

28. Заратуштранинг
Эзгу ўйи,
Эзгу сўзи,
Эзгу амали
(Ибрати билан) Ўлмас
Валий (зотлар) ҳам
(Жону дил билан)
Тинглар Гохларин.
Сизларга юкунчим
Эй, имонли Гохлар!

Гохларнинг биринчи банди ҳисобланадиган диний амал, намоз ва бошқа маросим олдида ният сифатида ўқиладиган ушбу дуо сўзлари Зардуштдан кейин киритилган, деган фикрлар бор. Чунки, бу дуонинг тил хусусияти асл Гохлар тили каби архаик эмас. Фақат охириги икки сатр Гохлар тилига яқинлаштириб, архаиклаштирилган [1.38]. Диннинг асл тилини билмайдиган, лекин динни қабул қилган қавмлар учун амаллар олдида қилинадиган дуо ва бағишлов сўзларини осонлаштириш одати диний тажрибада мавжуд. Масалан, исломда намоз олдида ният сўзлари Ажам юртларида форс-тожик ва туркий халқлар орасида туркий тилларда ўқиши мумкин этилган, ёки бу Византия орқали Русда қабул қилинган христиан дини амаллари юнон тилида эмас, балки славян черков тилида олиб борилгани сингари.

28.1. Қўлим чўзиб, Муқаддас Рух, Сендан Илинж,

(Эй), Мазда, Ҳақ йўлингда мендан бу ўтинч:
Қувонсин Эзгу Ният, Говширвонга севинч.

Зардушт қўлларини дуога чўзиб, Аҳура Маздага мурожаат қилмоқда. Бу шунчаки Аҳура Маздага бевосита мурожаат эмас, балки унга Эзгу ўй, пок ният фариштаси Ваху Мана орқали илтижо қилмоқда. Ваху Мана эса зардуштийликда Аҳура Мазданинг муаккилларида энг биринчиси – Эзгу ният фариштаси ҳисобланади. Яъни, Ваху Мана – Аҳура Мазданинг илоҳий функцияларидан бири. Эзгу ният фариштаси Ваху Мана (айнан таржимаси “Эзгу ўй, яхши ният”)нинг қувончига сабаб бўлишнинг асосий шарти Ҳақ йўлини, бу ўринда Олий ақл Мазда йўлини

танлаш ва унда собит бўлиш деб тушуниланган. Муқаддас Буқа тимсолида намоён бўлувчи ушбу эманацияни севинтириш учун мазкур бандда Заратуштра Спента Армаитидан кўмак сўраб илтижо қилмоқда. Авестада Ваху Мана *Гэуш Урван*, “буқа руҳи” таҳаллусида ҳам амал қилади. Зеро, Ваху Мана одамлар кўзига Муқаддас Буқа тимсолида намоён бўлади [9.19-20]. Диний маънода бу тимсол Олий илоҳий зотнинг эманацияси, тажаллиси дейилади. Ушбу лавҳада Зардушт қўлларини баланд кўтариб, осмонга қараб тургандек тасвирланган. Буни “Гох”ларнинг рус тилига таржимаси изоҳларида И.М.Стеблин-Каменский Зардуштнинг ибодатда туриш, “астойдил” илтижо, ўтиниб сўраш позаси деб таърифлайди [1.39]. Учинчи сатрдаги Буқа Рухи (ёки “жони”) тушунчаси авестача Гэуш Урван деб аталади ва қорамолни муқаддаслаштириш анъанаси билан боғлиқ изоҳланади. Биринчи сатрдаги “Муқаддас рух” ибораси Аҳура Маздани улуғловчи мурожаат шаклларида бири. Авеста матнида эманация номи *Армаитий* билан алмашган. Бу шакл Спента Армаитий шаклининг қисқартирилганидир [6.240]. Спента жузи “муқаддас” деб Армаитий исмига қўшиб улуғлаш маъносида ишлатилган.

28.2. Аҳура, Сен Эзгу билан қовушмоқ дардим,

Жисмим ичра эзгу руҳни айла жо-бажо,
Ҳақ йўлинг ажри учун беҳишт истардим.

Юқоридаги илинж-илтижо ялиниб ёлвориш руҳида давом этиб, Зардушт ўз руҳи ва жисмининг Аҳура Мазда билан боғланишини ва унинг йўлига, яъни Аша (Арта) – “Ҳақ” йўлига кирган артабон (ҳақпараст)ларни ҳам беҳишт (жаннат) роҳатларидан баҳраманд қилишини сўрамоқда. Рух ва Жисм тушунчалари остида остумандлик, яъни сўнғак билан боғлиқ сўз ишлатилган. Бунинг маъноси шуки, зардуштийлик инсонда фақат сўнғакни ҳалол ҳисоблаган. Танадаги эт ҳаром ва чиркинликка даҳлдор деб тушуниланган. Этдан тозаланган сўнғакни остодонларда асраш одати шундан туғилган. Инсоннинг руҳий дунёси эса самовий фикр билан боғлиқ бўлиб, унинг Ҳақиқат йўлида бўлиши эзгуликнинг асоси деб тушуниланган. Ушбу учликнинг ғояси бу дунё ва у дунёда берилажак барча яхшиликлар инсон томонидан

эркин танланиши лозим бўлган Эзгулик йўли эвазига эканини таъкидлашдир.

28.3. Қутлайман, Эзгу ўй ва Ҳақдир сифатинг,

Кўмак бер, эй Хурмузд, кенгдир Қудратинг. Оқилсан, шул сабабдан чексиз ҳимматинг.

Бу бандда Эзгу ақл (Оқиллик), Муқаддас ақлга мувофиқлик тушунчалари Авестада, хусусан, Гохларда *Спента Армаити* номли малак сиймони кўзда тутати. Зеро, бу муқаддас зот Оқиллик рамзи, Ахура Мазданинг олти хил намоён бўлиш функциялари, эманацияларидан бири ҳисобланади. Ўрта аср манбаларида *Испандармат* шаклида келади [4.Изоҳ. М.И.]. Зардуштийлик тақвимида ойлардан бирининг ва кун номи шу маъбуд шаънига аталган. Бундан ташқари Спента Армаити Ер, Замин маъбудаси ҳисобланади. Мазкур бандда Зардушт Муқаддас Ақлга мувофиқ Эзгу фикрни илгари мактаганларидан-да аълороқ шарафламоқда ва Ахура Мазданинг (бу ўринда Ҳақиқатнинг) тобора ўсиб боровчи қудратидан мадад сўрамоқда. Ахура Мазданинг қудрати янада зўрайиши унинг Оқиллик сифати билан боғлиқ этиб кўрсатилмоқда. Олий ақл функциясининг образли талқини Ахура Мазданинг муаккили Спента Армаити тимсоли орқали ифодаланган. Шу сабабли И.М.Стеблин-Каменскийнинг бу банддаги Муқаддас ақлга мувофиқлик тушунчасини жаҳолат рамзи ҳисобланган *Аэшмага*, яъни ғазаб девига қарама-қарши қўйилгани ҳақидаги фикрига қўшилмадик [7.14-17]. Чунки мазкур бандда Аэшма девига ишорат кўринмайди (*Аешма* -Авестада “ғазаб, жаҳл, жаҳолат деви” тимсоли. *Дев* эса, Ахриманнинг турли ёвуз кўринишларининг умумлашма номидир) [1.40].

28.4. Хурмуздни макташга жонимни фидо Эзгу ният-ла

Айласам, бунгадир мукофот тайин, Хурмуздга аён.

То ҳаётман, чин юракдан интилгум Ҳақиқат томон.

Заратуштра Эзгу ўй ва яхши ният билан Ахура Маздани шарафлашни кўнглига тугиб олган. У аниқ биладики, Ахура Мазда эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Албатта, ё муносиб ажру мукофотини ва ёки лойиқ жазосини беради.

Бандда Эзгу ўй ва Ахура Мазда сўзлари “қилмишларга қараб мукофот ёки жазони биргаликда белгилайдилар”-деган маъно ифодаланган. И.М.Стеблин-Каменский шу ўринда Гохларга хос сўз ва ибораларнинг ўрин алмашувида учрайдиган алмаштиришларни ҳисобга олиб, “Хвале задумал душу отдать, пока могу и в силах, я Истины ищу. Ахура Мазда с Благою Мыслью награды за деянья знает” каби мантикий бутунликни жумла узиндилари сифатида қатор қилиб жойлаштирган: «Хвале задумал душу отдать с Благою Мыслью, Награды за деянья Ахура Мазда знает, - Пока могу и в силах, я Истины ищу», - деб таржима қилган [1.41.] .

28.5. Эй Ҳақ, Эзгу ўй, сизларни, (ниятим) эрур, тан олмоқ

Валий ул-авлиё Хурмузд сўзига тутмоқлик кулоқ

Зикр этиб ДИЛ СЎЗИН, ёвузларга қирғинлар солмоқ.

Зардушт Ҳақни, яъни унинг дини учун олий илоҳий зот Ахура Маздани ҳамда унинг биринчи навбатдаги эманацияси, тажаллиси Эзгу ўйни тан олишини таъкидлаш билан баробар, Ахура Маздага итоатда эканини ибрат қилмоқда. Бу даражотга эришган имонли инсон кўнглига худодан бир муқаддас сўз тушадики, унинг қудратидан олам-жаҳон ичра ёвуз кучлар, Ахриманнинг ифодаси бўлмиш сон-саноксиз, турли-туман зараркунадалар (храфстралар) йўқ бўладилар. “Дил сўзи” тушунчаси авесташуносликда *мантра* дейилади. Мантра дилда сақланади. Уни бировга ошкор этилмайди. Акс ҳолда унинг магик кучи йўқолади. Мантра ҳар қандай мушкул вазиятда ўз “эгаси”ни ҳимоят қилади, деб тушунилган. Қуйидаги бандда бу фикр янада равшанроқ келади.

28.6. Ахура Мазда, Ҳақиқат-ла кел, Эзгу фикрат-ла

Зардуштга бергил кўмак Эзгу ҳақ СЎЗИНГ бирлан

Бизлар ЁВЛИКНИ шунда йўқ қилурмиз бегумон.

“Ёвлик” тушунчаси Авестада кенг талқинда қўлланган ва матннинг кўп ўринларида “Бизга бер қудрат, биз урайлик ёвликни”, “Бизга имкон бер, йўқ қилайлик ёвликни” каби такрорланади. Баъзан шу маънода “Муқаддас сўзни ўргат, биз

унинг кудрати билан ёвларни барбод этайлик” тарзида келади.

Авестада зардуштийликнинг ахлокий-фалсафий, ижтимоий тамойиллари, утопик орзулари гина-кудурат, ўзаро душманлик, адоват, кўролмаслик, бахиллик, араз, рашк сингари иллатларсиз жамият куришга қаратилган [8.57-60]. Бунинг учун инсониятга “ёвлик, ўзаро нифок, душманлик, гина-кудурат” туйғулари бегона бўлиши керак, уларнинг ўрнига меҳр-мурувват, эзгу туйғулар, яхшилик тийнатири бағишланган. Шу сабабли барча ёмонликларни Авеста “ЁВЛИК” сўзига жо этган. Ёвликка қирон солиш, уни йўқ қилиш учун инсон қалбига Ахура Мазданинг эзгу муқаддас сўзини жо қилади. Бу сўзни дилда сақлаш ёвузлик тимсоли ёвликни барбод этади. Бундан кўринадики, Зардушт замонидеъ сўз қудратига қаттиқ ишонилган, эътиқод даражасида қаралган. Инсонга нутқ ато этилган экан, уни шунчаки сарфлаш эмас, маъно моҳиятидан инсонлар руҳининг тарбияти учун фойдаланиш лозим, дейилгандек. Қолаверса, бу ўринда ҳар бир инсон ўз кўнглида сақлаб, ўзгаларга билдирилмайдиган СЎЗ ҳақида ҳам авесташуносликда баъзи фикрлар учрайди. Бундай СЎЗни МАНТРА дейилади. Бу сўзга шахсан ишонч, инонч ва хатто, ирим даражасида баҳо берилади. Бирор иш олдидан, ҳаётда мушкуллик ҳолатларида МАНТРАни дилда такрорлаш ғолиблик, омад, бахт келтиради, ёмонликлардан сақлайди, деган тушунчалар амал қилган. Заратуштранинг Буюк ва қудратли СЎЗ ҳақидаги илтижосини шундай изоҳлаш мумкин. Қолаверса, шарқ классик адабиётида, хусусан эпик жанрлардаги асарлар муқаддима қисмларида сўз ва унинг моҳиятига қаратилган бўлимлар шу анъананинг давоми, десак хато бўлмайди.

28.7. Эзгу ўйга шундайин муқофоту омад бер,

Соғлом Ақл соҳиби, эй Мазда, Виштаспага Давлат, менга эса, пайғоминг элтишлик тақдир.

Зардушт айтмоқчики, Ваҳу Мананинг пок ва эзгу ният ҳомийси эканига таянган ҳолда ундан ибратланиб, бандаси ҳам ниятини покласа, Мазда ажру муқофотлар ва омад берсин. Зардуштга ҳомийлик қилиб, динини

қабул қилган подшо Виштаспага ҳокимият, кучу қудрат, Зардуштнинг ўзи учун эса, унинг Ахура Маздадан олган хуш хабарларини одамларга етказишлик, яъни пайғамбарлик масъулиятини берсин, одамлар унинг пайғомларига, яъни Ахура Маздага имон келтирсинлар. Шунинг ўзи Зардушт учун олий муқофотдир.

28.8. Сенга муносиб Ризолигинг йўлида ёлвораман,

Менга ва Фрашуштрага Абад Эзгу ўй эш бўлсин.

Эзгу банданг лойиқ кўр, ажринг умид-вориман.

Авесташуносларнинг фикрича бу бандда тарихий вазият изи бор. Яъни, Зардушт ўзининг дини моҳиятини тушунтирган дастлабки саҳобаларидан подшо Виштаспа, унинг вазири Жомасп ва унинг оғаси Фрашауштрага Ахура Маздадан имонли бандаларига қилинган ваъдани – “абადий эзгулик”ни, яъни, жаннатни, беҳиштни бахшида қилишни сўрамоқда. Чунки, Фрашауштра Зардуштнинг қайнотаси, Жомасп эса куёви, кизи Пуручистанинг эри бўлган [3.29].

28.9. Сендан кўп нарса сўраб ғазабингга сазовор бўлмаймиз, эй, Ахура, эй Ҳақиқат!

Эзгу ният билан энг самимий мақтовларимиз сенга бахшида бўлсин. “Шип” этганни эшитгувчисен. Сенга мақтовлар йўллаймиз дўзахингдан омонлик учун.

Бу бандда Зардушт ўз қавмларига худодан кўп нарса сўрамаслиқни, аксинча худо йўлида астойдил такбир ва мақтовларда бўлиш маъқул дея йўл кўрсатмоқда. Зеро, худо бандаларининг чин имону эътиқодини эътиборсиз қолдирмайди. Чунки худо нафақат сўзингни, балки қалбингдаги эзгу ниятингниёқ “энг тез эшитгувчидир”. Шунга лойиқ охиратда чин имонли бандасига беҳиштни лойиқ кўради. Бу ўринда жаннат – беҳишт (авестача *ваху ҳишта* “яхши ҳаёт”), дўзах эса *дауже ваху* “ёмон ҳаёт”.

28.10. Ҳақ йўлингга ким лойиқ, Эзгу нияти теран

Муносибларнинг бажо айла хоҳишин ўзинг. Мадҳинг куйлармиз гўзал, тотли сўзимиз билан.

“Гўзал нутқ, чиройли лутф, ширин сўз” каби маъно Авестада бир қатор ўринларда от қўшилган аравани эпчиллик билан

бошқаришга, имонли инсонни абадий Мактов уйига, авестачасига Грано Дмануга (бошқача қилиб айтганда, жаннатга) элтувчи чопқир от қўшилган аравага ўхшатилади. Қиёс қилинг: Ясна 30. Ахунавад гоҳнинг учинчи қўшиғи, 10-банди.

28.11. Эй Мазда Ҳақиқат ва Эзгу ўй сенингдир абад.

Менга гўзал лутф айла, айт, то мен ҳам билай:

Билохир покланажак янги дунё орзусин қилай.

Ёвузликлар барҳам топиб, охиратда дунё покланиши борлиқнинг тугаши эмас, балки мутлақ Ҳақ тантанаси, абадий жаннатий олтин асрнинг бошланиши деб талқин қилинади.

ХУЛОСА

Хулоса. “Гоҳ”ларнинг ушбу биринчи банди таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, Заратуштра ўз даври жамиятининг ижтимоий фикри даражаларидан улкан масофаларга олдинлаб кетган файласуф, ижтимоий утопик қарашлар соҳиби бўлган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. – Санкт-Петербург, 2009. - С.38.
2. Заратустра: Учение огня. Гаты и молитвы. – М.: ЭКСМО., 2008. - 496 с.
3. Исхоқов М.М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон, 2003. - № 1. – Б.29.
4. Спента Армаити маъбудаси номидаги спента жуъи “муқаддаслик” маъносини беради. – Армаити қисми эса “куч-қудрат” демакдир. Бирикма шаклида бу сўз Ахура Мазданинг функционал қудрати рамзи, эманацияларидан биридир. Спента кейинчалик Исфанд шаклига келган. Масалан, Исфандиёр исмида “худо Ахура Мазда ёр бўлсин” деган маъно кўзда тутилган. Кейинги ислом даврида бу маъно трансформацияга учраб, “Оллоҳ ёр” маъноси томон сурилган.
5. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. - 363 с.
6. Свами Прабхаананда. Гаты Заратуштры // Священные писания Востока: Краткий путеводитель / Пер. с англ. – М.: ООО Изд. дом. «София», 2004. - 240с.

7. Қаюмов А.П. Хурдо Авеста. //А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. - 232 б.
8. Уразова Р.Т. “Авесто”да ёвузликнинг универсал киёфаси. Илмий-таҳлилий ахборот. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент, 2011. - № 1. – Б.57-60.
9. Уразова Р.Т. Зардуштийликдаги маъбудаларнинг тарихий-ижтимоий таҳлили. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. - 146 б.
10. Urazova, R. T. (2016). Interpretation of the 31st Gatha of Yasnain “Avesta”. Himalayan and Central Asian Studies, 20(4), 90.